

Республикамиз 1.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

100.000 ТОННАДАН ОРТТИК ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ВАТАНГА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХАМДА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ИЛ ЧИКИШИ
№ 185 (3157).
21
сентябрь
СЕШАНБА
1965 йил
Баҳоси 2 тийин.

Дўстлар, пахта теримига!

Тошкентдаги алоқа политехникуми коллективининг пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш юзасидан социалистик мажбурияти

Биз ўқувчилар, хизматчилар, техникумининг ўқитувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг барча қолқозчилар, совхозларининг ишчиларига, механизаторларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, шаҳар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашларига, студентлар ва ўқувчиларга, республиканинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарган Мурожатини ўқиб чиқдик. Шу билан бирга 1-«Пискент» ва «Бўка» совхозларининг пахтакорларига ақидан ёрдам беришга қарор қилдик.

Бу совхозларнинг ишчилари, механизаторлари ва мутахассислари нахралонона меҳнат қилиб пахтадан мўл ҳосил ештирганлар. Биз ҳам ҳосилни ҳеч нес-нобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашамиз.

Ҳозир пахта йиғим-теримида мингдан ортиқ студент, ўқитувчи қатнашмоқда.

Биз ҳар биримиз кунига 70—75 килограммдан пахта териб беришга ваъда қилдик. Бу

йил мавсумда ҳар бир студент, комсомол аъзоси 1800—2000 килограммдан пахта териб топширади. Техникумининг коллективи эса 2 минг тонна «оқ олтин» териб бериш учун курашмоқда. Биз йиғим-терим даврида ушқоқлик, иттизомлилик намуналарини кўрсатамиз.

Шу кизгин кунларда меҳнатга қобилиятли ҳар бир киши далага чиқиб «оқ олтин» дурдоналарини тезроқ териб олишга, ўзининг ватанпарварлик бурнини оқлашга ҳаранат қилиши керак. Биз ҳам даладаги мўл ҳосилни йиғиштириб олишга муносиб ҳисса қўшамиз. Зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Шу билан бирга Тошкент Давлат университети студентлари коллективини, ўқув-кредит техникуми ва Тошкентдаги Оқибобоев номи медицина билим юрти ўқувчиларини социалистик мусобақага чақирамиз.

МАЖБУРИЯТ ТОШКЕНТДАГИ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА МУШОКАМА ЭТИЛИБ, ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

КЕЧА ОБЛАСТИМИЗДА 11.725 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ШУНДАН 6.016 ТОННАСИ МАШИНАДА ТЕРИЛДИ
* ОҚҚЎРҒОН, ЎРТА ЧИРЧИҚ, БЎКА РАЙОНЛАРИДА ҲАР КУНИ МАШИНА БИЛАН 5-6 ПРОЦЕНТГА ЕТКАЗИБ ПАХТА ТЕРИЛМОҚДА * Янгийўл, Калинин, Юқори Чирчиқ районларининг механизаторлари ҳаммасбларингиздан нега орқада қолмоқдасиз? * Фурсат ғанимат, отни қамчиланг!



315 минг ТОННА ПАХТАСИ

МУСОБАҚАДОШ РАЙОНЛАРДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 20 СЕНТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

ОРЖОНИКИДЗЕ	КАЛИНИН
4.10	Бир кунда тайёрланди
55.86	Мавсум бошидан бери
5.20	Бир кунлик машина терими
26.60	Мавсум бошидан бери
ЎРТА ЧИРЧИҚ	ЯНГИЙЎЛ
4.53	Бир кунда тайёрланди
37.19	Мавсум бошидан бери
4.04	Бир кунлик машина терими
36.00	Мавсум бошидан бери
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	ОҚҚЎРҒОН
3.51	Бир кунда тайёрланди
36.02	Мавсум бошидан бери
3.30	Бир кунлик машина терими
4.47	Мавсум бошидан бери
БЎКА	БЕКОВД
3.81	Бир кунда тайёрланди
31.12	Мавсум бошидан бери
4.71	Бир кунлик машина терими
29.17	Мавсум бошидан бери

Бир кунда областимизда йиллик планнинг 3,79 проценти, мавсум бошидан эса 30,68 проценти миқдорда пахта тайёрланди. Шу жумладан пахтани машинада териш плани бир кунда 4,46, мавсум бошидан эса 24,72 проценти ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мусобақадорлар маррага тезроқ етиш учун бутун куч ва ғайратларини ишга солишмоқдалар. Кейинги кунларда пахтани машина билан териш суръати кескин кўчайди. Қарда машина кўп ишлаётган бўлса, ўша ерда хирмон баракали бўлади. Буни Оққўрғон райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Оққўрғонликлар 18 сентябрда машинада териш планини бир кунда 4,90 процент бажарган бўлсалар, 20 сентябрда эса бир куннинг ўзида йиллик планнинг 5,78 проценти миқдорда «оқ олтин» териб олишди. Бу эса оққўрғонликларнинг ҳар бир машина билан кўпроқ пахта териб олишга эътибор бераётганлигини кўрсатади. Агар юқоридагиларнинг ҳам ўз мусобақадорлари оққўрғонликлардек машина теримига эътибор берганларида эди юқори кўрсаткичга эга бўлардилар.

Пешкадам Оржоникидзе районининг меҳнаткашлари ҳам «зангори кема»ларда пахта терини жадаллаштириб юбордилар. Хўжаликларда механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлаши учун барча шартлар яратиб берилган.

Лекин бир қатор районларда ҳали ҳам терим агрегатларидан фойдаланиш кўнглидагидек эмас. Буни Янгийўл райони мисолида кўрс бўлади. Бекобод районида ҳам пахтани машинада териш соҳасидаги ишлар шу куннинг талаби даражасида эмас. Бўқалиқлар терим агрегатларидан яхши фойдаланаётганликлари сабабли машина терими йиллик планини кунига салкам беш процент миқдорда бажаришга бўлса, бекободликларнинг машинада терган пахтани тўрт процентга ҳали етганича йўқ.

Республикамиз областларида 20 сентябрга қадар қуйдаги миқдорда пахта тайёрланди (планга нисбатан процент ҳисобида): биринчиси йиллик план иккинчиси машина терими: Қашқадар — 50,87; 12,85; Бухоро — 42,52; 5,37; Фарғона — 33,98; 13,06; Сурхондарё — 30,67; 14,11; Андижон — 27,66; 3,95; Самарқанд — 22,01; 3,18; Хоразм — 16,67; 2,04; Қорақалпоғистон — АССР — 15,62; 2,69; Сирдарё — 7,80; 4,18.

ПУНКТДА

Пахта юклаган қарвон оқими эртдан то кечгача тўхтамайди. Бу қарвонларга қараб туриб поёнсиз далада жавлон ураётган «зангори кема»лар, чевар теримчилар кўз одингизга келади. Мисоллардан тонналар барпо этаётган Фидокор қишлоқ меҳнаткашларига тасаннолар ўқийсиз. Пахтакорлар ва механизаторларнинг йил бўйи қилган меҳнатларининг меваси «оқ олтин»ни давлат омборига қабул қилиб олаётганлар ҳам енг шимариб ишламоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районининг пахтакорлари шер одим билан олға интиломоқдалар. Кечяги бир ярим ки-

ки, ҳатто уч процентлар орқада қолди. Кундалик топширилатган пахта тўрт процентдан ошмоқда. Уларнинг ғайрати бешга чиқариш, ундан ҳам ошириш. Районда пахта тайёрлашнинг бу хилда юқори кўрсаткич билан бораётганлигида тайёрлов пунктлари коллективларининг хизмати чексиз, албатта. Тайёрлов пунктларининг ишчи ва хизматчилари бу катта масъулиятни ўзла ҳис этаётганлари учун ҳам қилиб турган пахтани тез ва қаққон қабул қилиб олмақдалар. Бу соҳада Қорасув ва Қўмовул пахта тайёрлаш пунктларидаги иш айниқса тақдирга сазовордир. Қорасув

пункти бу йил хўжаликлардан 9560 тонна пахта қабул қилиб олиш керак. Улар бу топшириқни 10 минг 20 тоннага етказамиз, демоқдалар. Пункт мудир Абдуғаффор Ердонов бундай дейди:

— Пахта қабул қилувчилар, лавборантлар ва пахта бунтовчилар ўз масъулиятларини тўла ҳис қилиб ишламоқдалар. Шунинг учун ҳам биз ҳозирги кунда ўрта ҳисобда 5—6 процентдан пахта қабул қилиб оламиз. Ленин номи, Қарл Маркс номи, Терешкова номи совхоз коллективи ва бошқа хўжаликлар юборётган пахта бир дам ҳам тўхтаб қолмаяпти. Бундай кўп пахтани ўз вақтида жойлаштириш ушқоқлиги мисолида 12 та транспортёр ва бошқа зарур техника бизнинг хизматимизда.

Янгида фотомухбирларимиз А. Абали ва М. Нуриддиновлар шу пунктларда бўлиб бу ердаги ишнинг бориши билан танидилар ва илгори қарвонларда олдлар. Ундаги суратда Қўмовул пунктда транспортнинг иш тасвирланган, чапдагида Қорасув пунктида пахтани бунтовлаш кўрсатилган. Ўртадаги суратда эса Қорасув пунктининг лабораторияси ҳолими 3. Митяшева (Ўғда), пункт мудир А. Ердонов ва бош лавборант Л. Обносовларнинг пахтанинг сурти ҳақида суҳбатлашиб турган пайти акс эттирилган.


КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини назорат қилди.

Улар санъатнинг бу улкан анижуманига ўз ижодкор интеллигенциясининг сарасини юборишди. Иван Петров Сабдат Қабулова, Ермек Серкабеев, Нодар Ангудадзе, Рена Чекоева, Шоиста Муллажоновна, Артур Айдинян, Майя Қулнева — фестивалда қатнашаётган шу сингари ўнлаб санъаткорларнинг номи кўп-миллатли совет

санъатининг ифтихори бўлиб, улар музика, кўшиқ, рақс байрамнинг кўрқини кўришди.

Ўзбекистон пойтахтига қилган сафарини атайлаб шу байрамга мослаштириб келган юзлаб чет эллик туристлар фестивал меҳмони бўлишди. Буюк Британия маданият министри Жени Ли-хоним Тошкент фестивалига келди.

«Чаманзор тароналари» фестивалини Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева очди. Фестиваль бундан аввалги санъат байрами — «Тошкент музика баҳори»нинг давоми бўлди; дейиш мумкин. Машҳур совет дирижери А. Мелик-Пашаева музика баҳорининг сўнги навалари жарангаган маҳалда, дирижерлик таъқасини бизнинг юртдошимиз дирижер Баҳром Иноятовга топширган эсингизми? Бугун ана шу таъқаб биринчи фестиваль тинининг автори Сулаймон Юда-



БЕШ „КОСМОС“ НАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 18 сентябрда Совет Иттифоқида Ернинг навабдаги сунъий йўлдошлари «Космос-86», «Космос-87», «Космос-88», «Космос-89», «Космос-90» унрилади.

Беш йўлдошнинг ҳаммаси параметрларини қуйдагича бўлган лўри орбиталар бўйлаб ҳаракат қилмоқда:

Айланми даври 116,7 минут.

Ер сатҳидан максимал узоқлашуви (апогейи) 1690 километр.

Орбитанинг оғиши 56 градус.

Йўлдошларга ўрнатилган аппаратуралар нормал ишлаб турибди, қорда ишлатишувчи ҳисоблаш маркази олинган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ЧАМАНЗОР ВОДИЙЛАРИНИНГ ЭГИЗАК ҚЎШИҚЛАРИ

ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

санъатининг ифтихори бўлиб, улар музика, кўшиқ, рақс байрамнинг кўрқини кўришди. Ўзбекистон пойтахтига қилган сафарини атайлаб шу байрамга мослаштириб келган юзлаб чет эллик туристлар фестивал меҳмони бўлишди. Буюк Британия маданият министри Жени Ли-хоним Тошкент фестивалига келди.

«Чаманзор тароналари» фестивалини Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева очди. Фестиваль бундан аввалги санъат байрами — «Тошкент музика баҳори»нинг давоми бўлди; дейиш мумкин. Машҳур совет дирижери А. Мелик-Пашаева музика баҳорининг сўнги навалари жарангаган маҳалда, дирижерлик таъқасини бизнинг юртдошимиз дирижер Баҳром Иноятовга топширган эсингизми? Бугун ана шу таъқаб биринчи фестиваль тинининг автори Сулаймон Юда-

ков қўлида. Гимн чалиниши билан фестиваль «проқ» лав этиб ёниб кетди.

Фестиваль очилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов тўланган кишиларга қарата табрик нутқи сўзлади. У қардош халқларнинг дўстлиги, социалистик маданиятларнинг қондош-жондошлиги, ва бир-бирини байлаётганлиги ҳақида таъкидди.

СССР халқ артисти Олим Хўжаев билан СССР халқ артисти Ермек Серкабеев ўз нутқларини ижодкор интеллигенциянинг халқ олдидаги улуғ бурчига бағишладилар.

Концерт бошланди. Чаманзор водийлари ва тоғлар ёни бағридан, денгизларнинг соҳили ва бепоён бўлган қанот қониб келган қишлоқлар концертда ҳамонан бўлиб кетди. Зал тўқиз республика артистларини кизгин қўтладди.

Фестиваль ўзбеклар дўри бўйлаб ўзининг кўп овозли жарангдор, шоднаёна намоишини бошлади.

(ЎТАГ).

САҲИФАИ

Областимиз шаҳар ва районларидан ҳарбий хизматга қақирилган ёшлар меҳнатда қандай шуҳрат кўрсатиб ишлаган бўлсалар, ҳарбий хизматни

Қуйида Ватан олдидаги муқаддас бурчини шараф билан ўтаётган ҳамшаҳарларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.



Жангичи А. Шомирзаев қисмда жанговар ва сийбон тайёрларини аълочилиги, тенгдошларига қўймоқда ва дўст сифатида танилган. У номандиларнинг барча топшириқларини бекамийкуст бажаришга, ўқишда, жанговар машғулотларда ўрнини қўрсатишга ҳаракат қилди. Ўғлидагина ҳам А. Шомирзаев қисмда 2-класс наводчиги бўлиб хизмат қиларди. Галдаги ўқувчилар жанговарлашда у вафизгани аъло даражада бажарди. Командирлик унга ташвиқ, нур сўли қилди. Ҳозир у таник номанди бўлиб хизмат қилмоқда.

А. Шомирзаев Ватан олдидаги бурчини бошқалар ҳатоми сидиқчилдан аъло аътлати. Жанговар тайёрларинини ошириб, қудратли техникани мукаммал ўзлаштирилди. Суратда: А. Шомирзаев набаддаги машқ олди.

В. Дубовченко Фотоси

Оддий солдат Тўхтасин ЛАТИФЖОНОВ.

